

Совет Иттифоқида хизмат қиламан!

Биринчи имтиҳон

Бу кун ёш жангчи-десантчилар мураккаб имтиҳон топиришлари — парашютдан биринчи бор сакрашлари лозим эди.

Офицер А. Долгополов самолётга чиқиб олдиндан парашютдан ва осма системани текшириб кўра экан, оддий аскар Игорь Успенко олдида келиб тўхтади.

— Хўш қалай? Юрак дов бермайтими? Парашютдан мендан кейин сакрайсиз.

Нихот самолёт парвоз қилди. Десант туширилади.

ган ерга яқинлашганлари сари ёш аскарларнинг юраги ҳаптиради. Оддий аскар И. Успенко командир томонга қарашга йўналиб турарди. У ўзининг ожизлигини уялар, лекин ҳаёжонини ҳам босиб ололмаган эди.

— Тайёрланинг! — деган команда янгради. Очилган эшикдан совуқ ҳаво кирди. Офицер А. Долгополов оддий аскарга қараб салом бергандек қўлини кўтарди.

сакраш олдида унинг руҳи кўтарилиб керак эди-да. «Сакраш!» командаси берилганидан сўнг офицер остонада қадамни енгилгина узиб, бўшлиқ қаърига шўнгиди. Оддий аскар И. Успенко ҳам командирнинг ортидан сакради. Боши узра парашют гумбазини кўрганидан кейингина ҳаёжонини бир қадар босилди.

Оддий аскар ерга қўниш йўл-йўриқларини енгилгина бажарган бўлса ҳам, лекин

ўзини тутиб оёғида турганида. Аммо ҳар қалай гумбазини йиғди. Бир неча минутдан кейин ёш десантчи ёнига командир келди.

— Яна сакрашга рухсат берасизми? — деб сўради аскар. Энди у ос-хушини йиғиб олган, қўрқудан асорат ҳам қолмаган эди. Йиғит парашют билан яна неча-неча бор сакрайди, албатта. Энг асосийси шунки, у биринчи имтиҳондан яхши ўтди.

Сув босган танкдан

Танк дарёдан ўтаётганида тўсатдан ичига сув кириб кетди. Шу заҳоти механик ҳайдовчи ефрейтор Б. Жидебаевнинг сувдан асровчи противотанга ҳам ишдан чиқди.

Машинада бўлган капитан Ю. Шиманович бир қарорга келиши учун бир неча секунд қолганди. Шунда у механик-ҳайдовчига жағдовар бўлмага ўтишга буйруқ қилди. Бу жойда капитан унга ўз противотанга бериб сув жағдовар машинани тўлгазган заҳоти ўзини туйнукдан итариб чиқариб юборишларини сўради. Шундай қилиб Ю. Шиманович сўнгги бор нафас олиб, танкни тарк этди. Офицер сувдан боинини чиқариб, атрофга боқди. Орадан бир минут вақт ўтгач, механик-ҳайдовчи ва ўқловчи ҳам дарё бетидан пайдо бўлишди. Улар бошларидан противотанга газларини олиб, командирга ёрдам беришга ошиқиди. Лекин ҳеч кимга ёрдам керак эмасди, танкчилар қирғоққа омон-эсон етиб бордилар.

Қизил Байроқли Сибирь ҳарбий округи. Полковник А. СМОЛЯНКО, В. ЕЛЬМАКОВ, ТАСС мухбирлари.



ВАТАНИМИЗ ПОСБОНЛАРИ.

ТАСС фотоси.

Ботқоқликдаги жанг

Ана шу маршрутдан танкларнинг ўта олишига кўпчилик ишомна эди. Лекин булима командирини разведка берган маълумотларга асосланиб, жағдовар машинани «душман» кутмаган ердан олиб ўтишга қарор қилди.

Механик-ҳайдовчи оддий аскар Аскар Хожимуродов танкни катта тезликда ҳайдаб борар эди. Машинанинг ўрама занжирлари қарийб ботқоққа ботиб қолган эди. Аммо танк аста-секин ҳаракат қилиб йўлни энг оғир участкасидан ўтиб борар эди. Шу пайт сержант Владимир Поляков экипажи сафдан чиққани ҳақида маъ-

лумот олинди. Сержант Василий Голиц танкни тўхтаб қолган машинани айланиб ўтиб, колонна бошидан жой олиш лозим эди. Тўсатдан танкларини нишонга олиб, гранатометчилар «ўт очиб» қолдилар.

— Қаердан отишяпти, командир? — деб сўради нишонга олувчи катта сержант Михаил Евсин сўзлашув қўрилмаси орқали.

— Тезда... қордан отишяпти.

Ўқловчи оддий аскар Абдували Пулатов тез ва аниқ ҳаракат қилмоқда. У мулкжалга олувчининг буйруғини бажариб, тўпни парчаланувчи снарядлар билан

ўқлагувчи жуда оз фурсат ўтди. Нишонга снаряд аниқ отилди. Ҳор тепасини тутиш ва чағ қолди. Аммо «душман»нинг бошқа ўт нуқталари пайдо бўлди.

Тўхтаг! — деб буйруқ берди сержант В. Голиц. — Паёнага ўтамиз!

Оддий аскар А. Хожимуродов машинани орқага ҳайдаётганида бир неча тонна келадиган машина ботқоққа ботиб қолди.

— Пулеметни олиб машинани кўчиринглар! — Буйруқ берди экипаж командирини, ўзи эса радио орқали завод командири билан алоқа боғлаб, вазият ҳақида ахборот

берди. Экипаж чор атрофини муҳофаза қилиш учун позиция эгаллаб, «душман»нинг ҳужумини даф этишга тайёргарлик кўрди. Ана шунда танкчиларнинг мотоцикллик тажрибаси қўл келди. Улар автомат ва пулеметдан ўқ узишиб, нишонни аниқлиб билан маҳв этишарди. Қўп ўтмай ёрдамга таяв ва бошқа бўлиналлар ҳам етиб келишди. Танкчилар мулофаддан ҳужумга ўтишар. Мураккаб шароитлардаги ўқув-жағдовар вазифа муваффақиятли адо этилди.

Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи. (ЎзТАГ).

ТАРБИЯ ИШЛАРИ ЯХШИЛАНАДИ

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишларни янада яхшилаш мақсадида қатор тадбирларни белгиледи. Жумладан, шу йил биринчи сентабрдан билим масканларида тарбиявий ишлар ташкилотичи штати жорий этилади.

Бу тадбир ўқишдан ташқари тарбия ишлари системасини яратиб, ўқувчиларни турли тўғаракларга, секцияларга жалб этиш, синф раҳбарлари, кўни узаётганларни тарбиявий ишлари, жамоатчи тарбия-

чилар комсомол, пионер активистларга методик ёрдамни янада яхшилаш имконини беради.

Шу муносабат билан республика ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институтига ўқувчилар билан тарбиявий ишларини олиб боришнинг долзарб масалалари бўйича методик тасвирномалар тайёрлаш топширилди. Шунингдек, ташкилотчи активистларнинг республика семинар-кеңашининг ўтказиш тадбирлари кўрилади.

Тарихдан бир лавҳа

ФУТБОЛНИ севмаган ким бор! Менинг бир дўстим юнош ойда отпусқа олиб, уйда телевизорга қадалиб ўтирди. Жаҳон чемпионатининг барча матчиларини қолдиради кўрди. Шу футбол қандай кашф этилган!

Эмиш Англияда икки қўшни бўлган экан. Бир қўшни қараса дарвозаси ёнида эски латта-путталардан иборат туғунча тўппайиб ётганмиш. У бунинг ўрпадаги қўшнинг ташла-ган деб ўйлабди. Қўшнинг дарвозаси очик турган экан, туғунчани бир тепиб дарвозага киритиб юборибди [бу жаҳон футбол тарихидаги биринчи гол деса ҳам бўлади]. Бу воқеани кузатиб турган иккинчи қўшни келиб, биринчи қўшнинг дарвозасини мўлжалга олиб тегган экан, ҳисоб 1:1 бўлибди. Шундай қилиб, бири у ёққа, иккинчиси бу ёққа тепаверибди. Икки томоннинг ҳам бола-чақалари «ёрдамга» келишибди.

Ярим туғунча давом этган бу олин-шувнинг натижаси ҳисоб маъносидда камда 20:20 га тенг бўлса ажаб эмас. Икки томон ҳам ўлгудек чарчагач, уй-ўйига кириб кетишибди. Дарвозалар ёпилиб, латта туғунча кўчада қолди.

Эртаси кўни эрталаб кўчага чиққан болаларнинг кўзлари тўппайиб ётган туғунчага тўшди. Болаларнинг одати ўзиниғизга маълум. Улар катталарнинг сўзларини, қишлоқларнинг тарқо-лашларини яхши кўришади. Бу ерда ҳам катталарнинг кечати «амал»нинг бошлал юборишибди. Бир-бирларининг дарвозаларини нишонга олишга киришиб кетишибди... Шу тарихи футбол кашф этилибди.

Футболни кашф этган икки қўшни бир-бирларининг дарвозаларига латта туғунчани қанчалик қизиқиб тегган бўлишмасин, тилларини тийиш-ган деган гап бор. Латтадек оғиз киртиб етти маҳаллага аюҳанос солишмаган. Бир кўнлик жанжални ойнаб-йиллаб кўнликга туғиб, латта-чайнарилик қилишмаган. Акс ҳолда, серзавқ ўйин — Футбол қаттагонга учраб кетган бўлур эди. Бунинг устига кўчада тўппайиб ётган латтадан келиб чиққан жанжалда ким ҳақ, ким ноҳақлигини мамлакатнинг энг ўткир судьяси ҳам ҳал этиб беролмаган бўлур эди. Хайрият, думалоқ тўп ҳамон туғарак майдон ўрта-сидан саломатлик, биродерлик, дўст-лик хизматиди!

Афсуски, биз одамлар рақобат учун стадионлар, энгиз, забт этиш учун улкан дарёлар, олмас қирралли тоғ қўқирлари борлигини ҳамма ҳам билимизда тутавормаймиз. Қола-верса, меҳнат майдони борлигини, ҳар биримизнинг қалбимизда қатра-қатрадан бўлса ҳам назорат ва на-фосат, ва ниҳоят адолат борлигини, кулш ва янглашда ҳам завоқ борли-гини гоҳо унутиб қўямиз. Бир томонининг сал би босиш билан олам гулистон бўладиган тортишув-ни чеки-чагараси йўқ жанжалга ай-лантирмай, арабизлик юрамиз. Тилимизни бир қарч қилиб, аслида рўй бермаган ҳодисага йўқ ердан гапларни қўшиб-чатамиз. Бу билан ўзимизни, оламизни, атрофдаги одамларни, давлат идораларини ташвишга соламиз, сарсон қиламиз, вақтинчи оламиз.

Бир футбол ишқибози ўйин вақтида бақир-авериб, охири ёнидаги одамга: — Бугун бор овозимдан акралид-ов, — деди.

— Ташвиш қилманг, оғайни, — деди у киноя билан, — ҳамма овозингиз менинг чап қўлимда...

Мухтор СУЛАЙМОНОВ, ишчи.

Базма қиров туши

Ушанда 1984 йилнинг 1 декаб-рида шаҳардаги серхашам рес-торанлардан бирида нисҳат тўйи шодибёна ўтказилди. Келин билан кў-ёя томонининг Шукуровлар ва Бадаловлар оиласининг қариндош-уруғлари, дўст-биродарлари танта-нада ҳозир бўлишди. Дил тортган жойнинг узуми йўқ, бир томони йи-гил, иккинчи томони Оҳангарон-дан меҳмонлар келишди. Кимсан

Дўстга дўст бўл...

ХА, уша қоронғу тунда нима бўл-гани ноаниқ. Бироқ дўст ўтгани, унинг излари ўрнида муҳим жар-лик пайдо бўлгани, икки томон ў-ган бир йил давомида бир-бирига «лой» чаплаш, «тош» отиш билан «машу» бўлгани маълум эди. Масал-лан:

— Улар мени роса дўппослашди.

— Ёнғон, унинг ўзи йиқилган. Мастлигида ҳаммаша ўзини тутиб туролмади.

— Улар мени қорға бўлғаб кет-тишди.

— Биз уни уйига кузатиш ёки сайр эттириш ниятида эдик. Ўзи кетиб қолди. Кейин нима бўлгани?

...Ташқарида қишнинг этни увиш-тирдиган совуқ ҳавоси ҳўмқор, ерда оппоқ қор симобдек яптирай-ди. Бир ола мушук совуқда диғди-раб турган арчага тирмашиб чиқа бошлади. Шохлар орасида қўш бор экан, париллаб ўчди. Мушук пастга сакраб тушди, мивелади, бошқа ў-жа қидиргани кетди. Ялтироқ қор устида унинг излари қолди...

Ичарида тўй қизгандан қизди. Айни пайтда меҳмонлар ва меҳмон-ларнинг қўнига кириб олган «қин» лар энди елкага чиқиб, ўз базминин бошлаган эди.

Рафиски билан келган оҳангарон-лик меҳмон Искандаров ҳам анча қизиқиб олган эди.

— Ҳадеб тингиллатаверсанларми, ашула ҳам бўлсин, — дея у созан-даларга мурожаат этди чайқалиб.

Созандалар парво қилмай кўнли-ни давом эттиришди. Бинобарин, тўйда ҳамма маст, ҳамманинг кўнлини олиб бўлармиди! Санъаткорларнинг кинрик қоқмай қарашидан шундай маънони ўқиш мумкин эди.

Йиғитнинг сазоси қайтғунча, шай-тонинг бўйин узилсин — Искандар-довнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Ашула бўлсин деяман!.. Айт-масаларинг...

Балки газетчон адолат қарор топ-ди деб ўйлаётгандир. Биз шундай деб дадил айт олмаймиз. Ушбу воқеани албатта ёзиб кўпчилик ҳў-мига ҳавола этишимиз сўраган проку-ратура ҳодимлари ҳам шундай фикр-далар. Бироқ, адолат барҳам топа-ни аникроқ.

Зеро, кутилмаганда юқори органлар адресига яна хат ёзилди. Унда шундай сатрлар бор: «Илгарй ёзган хатимдан гоёт афсусланаман. Чунки ҳозирги пайт-да оилаларимиз ўртасидан мунчо-сабатлар тўла тикланди ва ҳозир, бундан кейин ҳам уларга нисбатан ҳеч қандай даъвом йўқ... Менинг ушбу аризамни кўриб чиқишини ва қўзғатилган жиноий ишни суд қил-май тўхтатишга қўмақлашиниғиз-ни сўрайман. Негаки, биз ўзаро душманликда эмас, балки тотувлик-да яшашни истаймиз. Искандаров»

ДАРВОҚЕ, шу йил июнинг бош-ларида сахар чоғи Тошкент-дан бир енгил машина Оҳангарон йўналишида йўлга чиқди. Кабинада ҳайдовчидан ташқари бир киши ў-чан ўтирарди. «Рохат» ва «Бахт» кўплари ёқалаб ўтилаётганида унинг юзига намхуш майинлик урилди. Машина равои йўлда илгариллаб борар экан, у ўтиб бораётган кўм-кўк адирлардан кўз узмасди. Бу кишининг табнати дўзлимиди, аммо ҳозир нимадандир иккилангётгани, ҳадиксиратгани бироқ маънос че-расидан сезилиб турарди.

Нихот, қадрдон шаҳарча тобора

ни билмаймиз.

— Мен тўйдан кейин анча вақт касал бўлиб ётдим. Ҳолимдан ха-бар олмаймиз.

— Унинг ўзи ёмон одам. Ича тўполон чиқариб юришини ҳамма билади.

— Ҳушоларми бор.

— Ишонмасангиз қўшинлардан сўраг...

Шунақа ва бундан ҳам баттар гаплар, икки томон тарқатган «амш-мишлар», икки оила оқибатини ўй-ламай бир-бирига ёғдирган бўхтон-лар...

Бир йил давомида йиғилган «лой», «тош», «миш-мишлар» ора-сидан ҳақиқатини излаб топш ва адолатни қарор топтириш тергов органларига ҳавола этилди. Ушлаб қишлар муҳим ишларини бир че-кага йиғиштириб дўстлар ўртасида-ги нифонининг тафсилотларини мири-дан-сиргача ўрганишга, «қин»от-тиришга аниқлашга киришдилар. Бунинг учун яна олти ой вақт кетди. Турли идораларда қанчадан-қанча қозғолар тўлдирилди, харақтеристик-калар, тушунтириш хатлари ёзилди. Ишни судга ошириш учун ҳамма нарсга тахт қилинди, суд кўни бел-гиланди ва ниҳоят...

Балки газетчон адолат қарор топ-ди деб ўйлаётгандир. Биз шундай деб дадил айт олмаймиз. Ушбу воқеани албатта ёзиб кўпчилик ҳў-мига ҳавола этишимиз сўраган проку-ратура ҳодимлари ҳам шундай фикр-далар. Бироқ, адолат барҳам топа-ни аникроқ.

Зеро, кутилмаганда юқори органлар адресига яна хат ёзилди. Унда шундай сатрлар бор: «Илгарй ёзган хатимдан гоёт афсусланаман. Чунки ҳозирги пайт-да оилаларимиз ўртасидан мунчо-сабатлар тўла тикланди ва ҳозир, бундан кейин ҳам уларга нисбатан ҳеч қандай даъвом йўқ... Менинг ушбу аризамни кўриб чиқишини ва қўзғатилган жиноий ишни суд қил-май тўхтатишга қўмақлашиниғиз-ни сўрайман. Негаки, биз ўзаро душманликда эмас, балки тотувлик-да яшашни истаймиз. Искандаров»

ДАРВОҚЕ, шу йил июнинг бош-ларида сахар чоғи Тошкент-дан бир енгил машина Оҳангарон йўналишида йўлга чиқди. Кабинада ҳайдовчидан ташқари бир киши ў-чан ўтирарди. «Рохат» ва «Бахт» кўплари ёқалаб ўтилаётганида унинг юзига намхуш майинлик урилди. Машина равои йўлда илгариллаб борар экан, у ўтиб бораётган кўм-кўк адирлардан кўз узмасди. Бу кишининг табнати дўзлимиди, аммо ҳозир нимадандир иккилангётгани, ҳадиксиратгани бироқ маънос че-расидан сезилиб турарди.

Нихот, қадрдон шаҳарча тобора

Ахлоқ мавзюида

яқинлаша бошлади. Мана, таниш уй, ўнғайсизлик билан қўнғироқ босилди. «Хозир». Эшик охира очилди. Икки киши бир-бирига ҳайрат, саросима билан тикилиб қолди. Меҳмон «салом» дейиш, мезбон «кириш» дейишнинг унутди. Бир неча сония ўтди. Кейин кўлар узатилди, қўлчалар очилди, гўрур-лар ер билан яқсон бўлди, кўзлар-дан ёш қалқиб чиқди.

Дастурхон атрофидаги сўхбатдан: — Айб менда, кечир, дўстим!

— Йўқ дўстим сен эмас мен айб-дор. Мени кечир!

— Бола-чақа, қариндош-уруғла-римиз ўртасига совуқчилик тушиш-га ўзимиз сабабчимиз.

— «Миш-мишлар» тарқалишида ҳам ўзимиз айбдоримиз.

— Қўриб кетсин арақ...

— Гина қўриб кетсин.

Мана шунақа гаплар. Дўстлар ярашиб олишди. Балки шунинг ўзи адолатнинг қарор топагиндир. Нега илгарироқ шундай бўлмади экан! Уша ресторанда, кейин уйда да-вом этган тўй кечасида бошланган арзimas аччиқ-арз жанжалга ай-ланиб кетмаслигини мумкин эди. Бу-нинг учун икки оила бошланигини ҳозиргина баён этилган учрашув-савмани «сен кечир» мен кечир» ки-ки йил олдин бўлиш керак эди.

Афсуски бундай бўлмади. Уйламай айтилган сўзлар, газаб билан ёзил-ган хатлар, бўхтонлар ёғдириб балчиққа қоршлар изсин кетмади. Икки оиланинг ҳам обрўси тўқил-ди, қанча азоб тортган қалбларда доғ қолди.

Адолатни қарор топтиришга жид-дий киришган органларнинг ҳоши-яри бемаъни сперталлининг ишти-рокичи-томошабинлари бўлганликлари-нинг билиб қоллишиди. Қанча сарсон бўлишди, қанча вақт йўқо-тишди, ахир! Қанча муҳим ишлар чеккага сўриб қўйилди. Йўқолган вақтин энди ким топиб беради! Салкам икки йил ўзаро адолат сак-лаб кейин ярашиб олган оилалар-ни! Асло! Улар бир-бирларига от-ган «лой», «тошларини» охиригача юйиб, қалбларини тинадан мусофо-эти олашлар ҳам қоши эди. Кўз-кўзга тушганда меҳр қайта дил-га тўша ажабмас.

Шаҳар прокуратураси ҳодим-лари бизни ушбу материал билан таништиргач, дўстларнинг қалб-ни яна яралаб қўмақлаш учун фамилияларини ўзгартириб ёзди-ни сўрашди. Биз адолат юзаси-дан шундай қилдик.

Меҳр ва Мухаббат, Адолат ва Савманилик ҳам сўзлаганимизда тилимиздан бол томади. Шу бол томон тилимизнинг суяги йўқ. У бизнинг ҳар сониядаги кайфи-ятимизга, кечирмалимизга та-саввур тозигида мослашади, қарх ва газаб, алам ва наҳл ара-лаш сўзлар тилимизга урилади-дан пайтлар ҳам бўлади. Бироқ, тил қанчалик қудратли бўлмасин, у бизнинг изимизга бўйсинади. Унга эрк бермас, оддий келиш-мовчилик ҳам жанжалга айлана-ди. Мурасасизлик пайтда тил-ни тийиш қанчалик фойдали экан-ини халқ севган ўйин футбол-нинг келиб чиқиш тарихи ҳам исботлайди.

Таассуфки, ҳатто дўстлар, ҳатто эр ва хотин ўртасида ҳам бир-би-рининг устидан тўхтат тошларини отиш каби қўнғисиз ҳоллар бўлиб туради. Турли ташкилотларга дўст-ларнинг, қўнғишларнинг, эр ва хотиннинг бир-бирлари устидан ёзилган «миш-мишлар» кейинги пайтда камроқ бўлса ҳам келиб турибди. «У ундай, мен эса бундай» тарзда ёзилган хатларга бёззан озгина гина сабаб бўлиши, кейин гина адолатга айланиб кетиши сир эмас.

Янглишмасак, ҳикоя қилганим нифонинг бошида жозибали рес-торанда қилган, биз «қин» деб ата-ган «қора мушук» — арақ турган эди. Кейин унга гина ошно бўлиб, ола мушукга айланди. Совуқчилик бошланди. Қани энди баён этилган қўнғисиз жанжал бошқаларга са-боқ бўлса!

Яшасин Дўстлик!

Мухаммадвали МУРОВО.

Тоғрайхон

Хўрматли редакция! Тоғрайхон ўсадиган тоғрай-хон ўсимлигининг қандай қосиятлари бор?

М. ЖАЛИЛОВ,

«Ташсельмаш» заводи ишчиси.

Диримизда ўсадиган ши-фобахш ўт-ғиёҳлар 500 тур-га яқин бўлиб, шулар ичи-да тоғрайхон дориворлик хусусияти билан алоҳида аж-ралиб туради.

Тоғрайхон тоғли районла-римизнинг тоғ ёниблариди-да, пастки ва ўрта қисмида-ги қияликларда ўсади. Вужу-ди қушбўй бўлган бу ўсим-ликлар кўпайиллик бўлиб, бўйи 30—60 сантиметрға етади. Пояси тик, тўрт қир-рали, майин туқли, юқори қисми шохланган. Баргари-нинг чети текис майда тиш-ли, тухумсимон, поячада қарама-қарши жойлашган бўлади. Гуллари нозик, майда бинафша-пушти рангда бў-либ, қалқонсимон тўпгулли ташкил этади.

Тоғрайхон ўсимлиги тар-кибида эфир мойлари (ти-мол, биоцилик сесквитер-пенлар), хурушлаштирувчи ва бошқа моддалар бор.

Халқ табобатида ўсимлик ўти заминда тайёрланадиган дахлама ва тийдирмалар қи-зилчага қарши, овқатни ях-ши ҳазмлашни учун, бедор уйқусизликда тиним бағиш-лаш мақсадида, шамоллаш-ди, шунингдек ичак фаоли-ятини ўйғушлаштириш, балғам қўчириш мақсадида фойда-ланилади. Халқ медицинаси амалиётида тоғрайхон ўти беланги, флаж, тутқаноқда тавсия қилини, ундан тер-латувчи ҳамда пешоб ҳай-довчи омил сифатида ҳам ишлатилади. Тоғрайхондан олбан сифатида фойдала-нилади, бетоқатли қичмада хотима бериб, гўшга даво бўлади.

Илмий медицинада тоғ-райхон дахламаси ичак фао-лиятини ўйғушлаштирувчи, иштаҳага баракка берувчи, балғам қўчирувчи, пешоб ҳайдовчи восита сифатида тавсия этилади. Тоғрайхон ўти саноат миқёсида хари-дга чиқаришда қадондан-ган кўти ва тошқойлар қў-ринишида («Трава душищи») дорихоналарда учратиш мумкин.

Д. ХУЖАЕВА,

дорихунос.

Саломатлик посбонлигида

Буғу сутти даволайди

Костромалик меҳдиқар об-ласт қишлоқ ҳўжалик стан-цияси буғу фермасини ши-фобахш сут фабрикаси, деб муболага қилмайдилар. Ҳар кўни гастрология санаторий-сидан сал наридаги бу фер-мадан буғу сутти келиб ту-ради. Бу сут кўпгина метъа касалликларини даволайди.

Ярославль медицина ин-ститутининг олимлари син-чиклаб тадқиқ этиш ва таж-рибалардан сўнг буғу сутти билан даволаш методини ишлаб чиқдилар ва ҳозир бу метод санаторийда кеңг қўлдан қўлланмоқда.

Буғу суттада ёғ қўп, у минерал тузларга бой. Сут таркибидаги антисептик мод-далар уни ҳатто ёз жазира-масида ҳам бузамай сақлайди.

Костроа.

В. ПАШИН,

ТАСС мухбири

КАТТА ҚИЗИҚИШ

Ҳозирги замон гравюра санъатининг таниқли намои-даси В. А. Фаворский икки томошабинларга яхши таниш. Унинг турли мавзуларда ярат-ган гравюра асарлари қатор-яқини кўргазмаларда намойиш этилган.

Тасвирий санъат муҳлисла-рига ана шу улкан инқодор ҳақида атрофлича маълумот бериш мақсадида Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида

туркум

ЎЗГИ ТАЪТИЛ МУСОБАҚАЛАРИ

Шахримиздаги 41-мактаб ҳовлиси ўқувчилар билан лавжум. Бу ерда Октябрь районидаги мактаблар қошида ташкил этилган лагерлар ўртасида минифутбол, шахмат-шашка, стол тенниси ва бошқа спорт турлари, «Қувноқ» турнирлари, мусобақалари ўтказилмоқда. Спортчилар мусобақа шартини бажарётган ўртоқларининг ҳаракатларини диққат билан кузатишмоқда. Ҳалаба билан қайтаётган болалар гулдурас қарсақлар, қувончли оқшилар билан қарши олинмоқда.

Беллашуларда райондаги 115, 169, 192-мактаб пионер лагерларидан ташқари, 10 та команда иштирок этди. Мусобақаларнинг биринчи туридаёқ кураш кескин тус олди. Айниқса, шахмат-шашка бўйича ўтказилган беллашув қизғин борди.

— Кейинги йилларда, — дейди шахмат бўйича тренер А. Брайлоский, — ёш шахматчиларимиз сафи кенгаймоқда. Бу қувончлидир, албатта. Вироқ улардаги бу қизқичқин уйғунлаштириш учун тез-тез мусобақалар ташкил этиб туриш керак. Тренернинг гапи ҳақ. Мактаб, ЖЭК, маҳалла раҳбарлари бу тўғрида жиддий ўйлаб қўришлари керак. Бу мусобақага қатнашмаган 115, 169, 192-мактабларнинг раҳбарларига ҳам тааллуқли. Ахир, ўқитқиларимиз ҳар томонлама бақувват, соғлом ва тетик бўлиб улғайса қандай яхши.

Мусобақаларда биринчи ўринни 102-й, иккинчи ўринни 19-й, учинчи ўринни эса 42-мактаб спортчилари қўлга киритишди.

Х. ЖАВБОРОВ.
СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавжа.



Автор фотоси.

Физкультура ва спорт

ИККИНЧИ ДАВРА ОЛДИДАН

Республика шахмат-шашка клубида халқаро шашка бўйича эркинлар ўртасида 28-Узбекистон чемпионати (олий лига) мусобақалари давом этмоқда. Голлиблик учун кураш олиб бораётганлар орасида тошкентлик спорт мастерилиги катта, армия спорт клубининг вакили Ирина Иванова ҳам бор. У ўтган йилнинг февраль ойида ўтказилган биринчи лига натижаларига кўра шундай ҳуқуқни қўлга киритганди. Мусобақаларда, шунингдек, халқаро классли спорт мастери Сергей Давидов, ўн спорт мастери ва тўрт спорт мастерилиги каттада иштирок этмоқда.

Мусобақаларнинг яқини ҳолидани. Натижаларга қараб спортчиларнинг иштироки ҳақида хулоса чиқариш пайти келди. Энг аввало жанговарлик ва шикояткорликни, мурасиз курашнинг алоҳида таъкидлаш керак. Ўйналган 62 партидан 35 таси рақиб томонлардан бирининг ғалабаси билан якунланди. Қатнашчилардан фақат икки киши тошкентлик Сергей Давидов ва наманганлик И. Маматхонов мағлубият аламини татиб қўрмадилар, холос.

Иккинчидан, тажрибали шашкачилар ўз имкониятлардан

усталик билан фойдаланганликларни кўзга ташлашмоқда. Улар кўп ҳолларда ғалабага эришишяпти. Жумладан, тошкентлик армиячи А. Честков беш марта голлиб чикди. С. Давидов, А. Блейхер тўрт мартадан, И. Маматхонов, В. Христенков ва С. Гуляев уч мартадан ғалаба наҳидасини сўришди.

Ҳозирча турнир жадалининг тошкентлик армиячилар С. Давидов ва А. Честков бошқариб боришмоқда.

Фарғоналик А. Блейхер турнир жадалининг учинчи поғонасида бормоқда. Унинг активида 5,5 очко бор. И. Маматхонов ва С. Гуляев бештадан очкога эга. И. Маматхонов А. Честковни мағлубиятга учратган ягона спортчидир. Унинг бу муваффақияти кўпчиликини ҳайратга солди. Чунки И. Маматхонов асосан рус шашкаси билан шуғулланади. Бу ердаги муваффақияти бошқаларни ажаблантирганлигининг боиси шунда. В. Христенков беш очко тўплаган. У спорт мастери А. Блейхер, В. Александров, ва М. Абдурахмоновни енгди. И. Ибрагимов ва С. Кочергин эса имкониятини бой берди. С. Кочергин эллик процент

ли натижага эришди. И. Иванова, М. Абдурахмонов ва В. Александров 3,5 тадан очкога эга. Бу ерда И. Ивановнинг натижасини алоҳида таъкидлаш керак. У эркинларга қарши дадил донга сўриб, ўзига хос ирода ва маҳорат кўрсатмоқда. Спорт мастери Ю. Югай ва Б. Османовларни мағлубиятга учратганлиги бунинг далилидир. Айтгандай, Ирина рус шашкаси бўйича шу йилги республика чемпионидир. Октябрь ойида у Олмаота шаҳрида ўтказилган республикамиз шарафини ҳимоя қилди.

Чемпионатнинг бошқа қатнашчилари ҳам маълум даражада совринли ўринлар учун курашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлганлари йўқ. Шу бондан қолган учрашулар нихоятда кескин ва мурасиз ўтиши кўтилмоқда.

Б. КАНИШЧИКЕР.
халқаро тоғдаги судья.

«Тошкент оқшомининг» навбатдаги сони 7 августда чиқади.

Редактор
Т. М. ҚОЗҚОБОВ.

реклама эълонлар реклама

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!



«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДРА-СИНИНГ КИТОБ МАГАЗИНЛАРИГА

1987 йилда чиқариладиган кўйидаги нашриётларнинг АДАБИЕТЛАР ЧОП ЭТИШ БЎЙИЧА ТЕМАТИК

ПЛАНЛАРИ
КЕЛИБ ТУШДИ
«АВРОРА»
«ИСКУССТВО»
«ИЗОБРАЗИТЕЛЬ О Е ИСКУССТВО»
«СУДОСТРОЕНИЕ»
«ПРОГРЕСС» (чет тилида).
«ЗНАНИЕ»
«ГИДРОМЕТОИЗДАТ»
«МОСКВА УНИВЕРСИТЕТИ НАШРИЕТИ»
«КОЗОН УНИВЕРСИТЕТИ НАШРИЕТИ»
«МЕТАЛЛУРГИЯ»
IV КВАРТАЛДА ФАН.

Юқорида кўрсатилган тематик планларнинг биринчи қисмига олдиндан буюртмалар бериладиган нашрлар киритилган.


Буюмларингизни бўямоқчи бўлсангиз?..

Сиз чиройли буюм харид қилдингиз. Аммо вақт ўтиши билан унинг бўёқлари хиралашиб қолди. Бундай вақтда нима қилиш керак? Бу масалани ҳал этишда Сизларга «ХИМЧИСТКА» фабрикаси мутахассислари ёрдам беришади. Бўёқдан чиққандан кейин Сизнинг буюмингиз яна аввалгисидек чиройли ва бежирим тус олади.

ФАБРИКАДА ҚЎЙИДАГИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:

— табиий толарлардан тўқилган газмолдан тикилган кийим-кечаклар, ацетат гижим духоба ва вискозаларни бўйиш;
— полиамид ва полиэфир толарлардан тўқилган газмолдан тикилган кийим-кечакларни бўйиш;
— автомашиналарнинг поролон жиндларини бўйиш;
— табиий тола ёки полиамид, вискоза, полиэфир, ацетат аралаштириб йиғирилган калаваларни бўйиш ва қайта бўйиш.

Бўйиш учун мўлжалланган буюмлар Тошкент шаҳридаги барча қабул пунктларида қабул қилинади. Справкалар учун телефонлар: 0-65, 63-20-53.
Опсуқда ўз машинасида сафар қилишни режалаштирётган кишилар учун эслатиб ўтамоқчи «Химчистка» фабрикаси ўриндиқлар учун мўлжалланган жылдарни тозалаб беради. Бу хизматдан, албатта, фойдаланинг.




ТОШКЕНТ «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ.

Саратон неъмат қишда...

КОНСЕРВА ТАЙЕРЛАШ УНЧАЛИК КИЙИН ИШ ЭМАС. БУНИНГ УЧУН ҲАҚАТ КЕРАКЛИ АСВОБЛАР ЛОЗИМ.

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ
КОНСЕРВАЛАШ УЧУН МАХСУС АСВОБЛАР ТЕР. МАСИНИ ТАЙЕРЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.
Бу терма банка қонқорини ёпадатин машина, банка таглиги ва қисқичдан иборат.



ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27)

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат коми.

29-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1986-1987 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

НИГИТ-ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти кўйидаги ихтисослар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: битирувчи (пофазалнинг устки деталлари бўйича), тайёрловчи (пофазални устки қисмининг тикши бўйича), пофазални яқка буюртма асосида тайёрловчилар, саноат ускуналари бўйича слесарь-механик, ОТК контролери, тикувчи-мотористка.

8 йиллик маълумот билан йигит ва қизлар учун ўқиш муддати 2 йил. Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати 1 йил 6 ой. Уларга ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия берилади. 8 йиллик маълумотга эга бўлганлар эса давлат таъминотида бўлиб, кийим-бош ва кунига 3 маҳал оғдат билан бепул таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчилар ишлаган иш ҳақининг 60 процентини оладилар. Билим юрти қошида кечки ишчи-ёшлар мактаби мавжуд.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртиларига йўланма билан юборилади.

Билим юрти қошида қўйидаги тўғарақлар мавжуд: бичиш ва тўқиш, миллий чолғу асбоблари, кино-фоно ва бошқа спорт секциялари.

Ўқишга кирувчилар кўйидаги ҳужжатларини тоширишлари керак: директор номига ариза, маълумоти ҳақида қўнжак, саломатлиги тўғрисида справка (286-форма), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 6 донга фотосурат, ўқиш ёки иш жойидан характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ЯҚШАНБА КУНИДАН БОШҚА ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ
ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор район, Домб. робод массиви, Наққошлик кўчаси, 20-уй (7, 16-троллейбус, 173-автотбуснинг «Домбробод» бекати, метронинг «Собиер Раҳимов» станцияси). Телефон 76-77-45.

С. И. КАДИШЕВ НОМИДАГИ 33-ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ

ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1986—87 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
қўйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

УЧИШ АППАРАТЛАРИНИНГ СЛЕСАРЬ-НИГУВЧИСИ, КЕНГ ПРОФИЛДАГИ СТАНОКЧИ, (токарь, фрезерчи, чархловчи), УЧИШ АППАРАТЛАРИНИНГ АСВОБ-УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТР МОНТАЖЧИ, АГРЕГАТЛАР, МАХСУС СТАНОКЛАР ВА МАНИПУЛЯТОРЛАР СОЗЛОВЧИСИ, ЭЛЕКТР ГАЗ ПАЙВАНДЧИСИ, ПАЙВАНДЛАШ ИШЛАРИ КОНТРОЛЕРИ, АВТОМАТ ЛИНИЯЛАРДА ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, СОНИЛ ПРОГРАММА БЎЙИЧА ВОШҚА-РИЛАДИГАН СТАНОКЛАРНИНГ ОПЕРАТОРИ.

Ўқишга 8—10 синф маълумотидаги, Тошкент шаҳри ёки Тошкент областида яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинадилар. Ўрта маълумотли ўқувчилар учун ўқиш муддати — 8 ой. Билим юртини тугатган уларга тегишли касб бўйича малака оширганлик ҳақида диплом берилади. Ўқувчилар ўқиш даврида 65 сўм стипендия оладилар.

8-синф маълумотидаги ўқувчилар учун ўқиш муддати — 3 йил. Билим юртини битирган, уларга ўрта маълумот ва тегишли касб бўйича малака оширганлик ҳақидаги диплом берилади. Ўқиш даврида ўқувчилар уч маҳал бепул оғдат, ишлаб чиқариш практикаси вақтида ишлаб топилган маошнинг 50 проценти билан таъминланадилар.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Машғулотлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. Билим юртини битириб чиққандан В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртиларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Билим юрти спорт базасига эга. Волейбол, футбол, сузиш, бокс, эркин кураш ва бошқа спорт секциялари ишлайди. Лаёқатга қараб авиамоделичилик, бадий сўз, вокал-чолғу ансамбли, миллий музика асбоблари ансамбли, духовой оркестр, аэробика тўғарақларида қатнашиш мумкин.

Билим юртига кириш учун қўйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: директор номига ариза, 8-синфни битирганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкиси (286-форма), 6 та фотосурат (3х4 ва 4х5 см).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ. Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 700207, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (30, 8, 171-автотбуслар; 6, 29-трамвайларнинг «Билим юрти» бекати).

72, 48, 49, 80-автотбуслар; 3, 23-трамвайларнинг «Лисувов номли кинотеатр» бекати. Телефонлар: 96-58-20, 96-39-72.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШ-ҚАРМАСИНИНГ

24-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1986—1987 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ГРУППАСИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўзбек тилида ўқиш учун: ОШПАЗ, САНОАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ. ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ. Ўқиш муддати — 1 йил. МЕВА-САБАВОТ МАХСУЛОТЛАРИ СОТУВЧИСИ. Ўқиш муддати — 8 ой.

Рус тилида ўқиш учун: «ИНТУРИСТ» ОШПАЗИ (миллий ва чет эл таомларини тайёрлаш ўргатилади), ОФИЦИАНТ (чет тили ўқитилади).

Ўқиш муддати — 2 йил. 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР ГРУППАСИГА Ўзбек тилида ўқиш учун: ОШПАЗ, ҚАНДОЛАТЧИ, САНОАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ. Ўқиш муддати — 3 йил.

Рус тилида ўқиш учун: ОШПАЗ, САНОАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ. Ўқиш муддати — 3 йил.

24-Ўрта ҳунар-техника билим юрти Ўзбекистон ССР Савдо министрилиги, СССР Чет эл туризми бўйича давлат комитети, Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети ва Чкалов номи авиация бирлашмасининг умумий оғдатлиги ва савдо корхоналарида, кафе, ресторан ва ошхоналарда ишлаш учун мутахассислар тайёрлайди.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ЁШДАН 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Ўқиш муддати — 8 ойдан 3 йилгача.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирган ўқувчилар бепул оғдат, кийим-бош билан, ўрта маълумот билан ўқишга кирган ўқувчилар эса 30 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар. Уларга ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 50 проценти тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕХНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртига ўрта маълумот билан кириб ўқишни битирганлар ихтисоси бўйича диплом, 8-синф ҳажмида маълумот билан кириб ўқишни битирганлар эса ағгаллаган ихтисоси ва ўрта маълумот ҳақида диплом оладилар.

Билим юртида бадий ҳаваскорлик ва спорт секциялари мавжуд.

Кирувчилар қўйидаги ҳужжатларини тоширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), иш жойидан ёки мактабдан характеристика, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формадан медицина справкиси, 3х4 см. ҳажмидаги 6 донга фотосурат, таржиман ҳоли.

Билим юрти адреси: 700114, Тошкент шаҳри, Киров райони, Юнусовд массиви, 18-квартал, 24-ўрта ҳунар-техника билим юрти (9, 167-автотбусларнинг «27-мактаб»; 67, 8-автотбусларнинг «17-квартал»; 49-автотбуснинг «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номи совхоз»; 83-автотбуснинг «18-квартал» ва 60-автотбуснинг «122-мактаб» бекатлари).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВ-

ЛАТ КОМИТЕТИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БОШ-

ҚАРМАСИНИНГ

ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

56-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қўйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ни йигирувчилар, тикувчилар, калава ўртовчилар, ни пишувчилар, тикув ва йигирув машиналари бўйича мастер ёрдамчилари, слесарь-сантехниклар, слесарь-ремонтчилар, бўёқчилар.

Ўқиш муддати 1 йил ва 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 15 ЁШ ВА УНДАН КАТТА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР, СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ТУГАТГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга 3 йиллик муддатда қабул қилинганлар кийим-кечак, 3 маҳал оғдат ва иш кийими билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент маош берилади.

Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчиларга 30 сўм стипендия берилади ва корхона кўнжига 40 сўм тўлайди.

ОБЛАСТДАН КЕЛГАН ЎҚУВЧИЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ўқишни аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга ўрта ва олий ўқув юртиларига кириб ўқишни давом эттиришлари учун йўланма берилади.

БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА ПУЛЛИК АВТОМОБИЛЬ ҲАДАШ ҚУРСЛАРИ МАВЖУД.

Билим юртида спорт базаси ва ҳар хил тўғарақлар ишлайди. Ўқиш группалар комплктлангандан кейин бошланади.

Ўқишга кириш учун қўйидаги ҳужжатлар керак: туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиги тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 лова 3х4 см. ҳажмидаги фотосурат, ариза, таржиман ҳоли.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Сергели райони, Қўйлик массиви, 5 «б» (37а, 45-автотбуслар; 26-трамвай; 11, 30-маршрутли таксининг «Қўйлик» — 5 «б» бекати).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — V/VIII да Бой ила хизматчи.

КИНО

5 АВГУСТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БУ ТЕЛБА ДУНЕ» —

Санъат саройи (катта зал, 16, 10, 19, 21, 30; кичик зал, 17, 10, 20, 00; телефонлар 44-21-34, 44-21-44). Чайка (16, 18, 30, 21, 00; телефон 77-06-20). Ватан (16, 18, 30, 21, 00), Нукус (16, 18, 30, 20, 45; телефон 46-70-69).

«ЕШЛИК-БЕБОШЛИК» —

Дружба (жуфт ва тоқ соатларда), Москва (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да).

«СНАЙПЕРЛАР» Дружба (жуфт ва тоқ соатларда).

«ГАРАЖ» — Восток (16, 18, 20, 21, 30; телефон 91-14-61).

«ЖАДВАЛДАН ТАШҚАРИ

ПОЕЗД» — Искра (16, 18, 20, 00; телефон 39-14-59).

«СЎНГИ ИНДУЛЬГЕНЦИЯ»

— Лисувов номли (тоқ соатларда).

«МАВЛУДИНИНГ БОШИ

УЧУН БЕШ МИНГ» — К. Ерматов номли (тоқ соатларда).

«СЛАВЯНКАНИНГ ХАЙРЛАШУВИ» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда).

6 АВГУСТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БУ ТЕЛБА ДУНЕ» — Санъат саройи (катта зал, 10, 30, 13, 20, 16, 10, 19, 21, 30; кичик зал, 11, 30, 14, 20, 17, 10, 20, 00; телефонлар 44-21-34, 44-21-44). Чайка (11, 13, 30, 16, 18, 30, 21, 00; телефон 77-06-20). Ватан (11, 13, 30, 16, 18, 30, 21, 00), Нукус (11, 13, 30, 16, 18, 30, 20, 45; телефон